

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**«ТАСВИРИЙ САНЪАТ» ФАКУЛЬТЕТИ
«ДАСТГОҲ ВА КИТОБ ГРАФИКАСИ» КАФЕДРАСИ**

«Ҳимояга рухсат этилсин»
факультет декани
_____ А.А.Юсупов
«_____» _____ 2018 йил

ТОШТУРДИЕВ ШОХРУХ ШУХРАТ ЎҒЛИНИНГ

**"АМИР ТЕМУР АНҚАРА ЖАНГИ МАВЗУСИ"ГА
ДАСТГОҲЛИ ГРАФИКА ТУРКУМ КОМПОЗИЦИЯЛАР
МАВЗУСИДАГИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

5151000- Графика (дастгоҳ ва китоб графикаси) бакалавр таълим
йўналишининг кундузги бўлим талабаси

**МБИ раҳбари: «Миниатюра ва китоб графикаси»
ўқитувчиси _____ М.Т.Арипова**

«Ҳимояга рухсат этилсин»
«Миниатюра ва китоб графикаси»
кафедраси мудири Ж.У.Рашидов

_____ 2018 йил
«_____» _____

Тошкент – 2018

Мазкур битирув малакавий иши «Миниатюра ва китоб графикаси» кафедрасининг 20__ йил ____ ____ даги №__-сонли ва факультет Кенгашининг 2018 йил № ____ даги мажлисида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчи:

Ҳимоя 2018 йил ____ июн соат ____ да Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4-6
АСОСИЙ ҚИСМ	7-7
I БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ	7-7
1.1. Амир Темур ҳаёти ва ижоди.....	7-25
1.2. Тасвирий санъатда Амир Темур сиймоси.....	25-30
II БОБ. "АМИР ТЕМУР АНҚАРА ЖАНГИ МАВЗУСИ"ГА ДАСТГОҲЛИ ГРАФИКА ТУРКУМ КОМПОЗИЦИЯЛАР	31-31
2.1. Амир Темур ва Йилдирим Боязид орасидаги мактублашув.....	31-37
2.2. Амир Темур Анқара жанги тарихи.....	37-39
2.3. Ўқилган адабиётлар асосида яратилган эскизлар, композициялар таҳлили.....	40-41
ХУЛОСА	42-42
Фойдаланилган адабиётлар	43-43
ИЛОВАЛАР	44-47

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тарихимиз, миллий ўзлигимизни қайта тикланди. Тарихимизнинг айрим даврлари китобларда ва ғояларига зид ҳолда ўрганилган, мавжуд адабиётлар ва услубий қўлланмалардаги маълумотлар эса тарқоқ ҳолда, маълумотлар етарлича эмас. Шунинг учун кўриб чиқиладиган муаммо кенгроқ тадқиқ этишни талаб қилади. Ушбу масала бугунги кунда фундаментал тадқиқот сифатида ўрганилмагани билан устувор ва долзарбдир. Мазкур малакавий иши объекти бўлган "Амир Темура Анқара жанги мавзуси" га дастгоҳли графика туркум композициялар яратиш орқали нафақат китоб графикаси санъати балки ёшларни тарихга бўлган қизиқишларини ўстириш, қолаверса аجدодларимиз маънавий меросини чуқурроқ ўрганиш долзарб вазифалардан бири саналади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари:

Ушбу мавзунинг тарихий адабиётларда келтириб ўтилган тафсилотлар асносида композицияларда ёритилиши малакавий битирув ишининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Тарихий асар орқали тарғиб этиш ва таклифлар киритиш, тарихий асар яратиш ҳақидаги маълумотларни ечишда фикр юритишни бош мақсад қилиб олинди. Мақсадга кўра қуйидаги вазифалар белгиланди;

- изланишлар давомида факторологик материалларни умумлаштириш, тадқиқот мавзуси билан боғлиқ илмий манба ва ахборотларни тўплаш;
- Амир Темура жанглари, айниқса Анқара жанги тарихини ўрганиш;
- асарнинг ўрганилиш даражасини ва тадқиқотларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш;

Асарни яратишда назарий-методологик асосларни билиш катта аҳамиятга эга. Илмийлик, холислик, тарихийлик методлари асар мазмунини ёритишнинг асосий калити ҳисобланади.

Мазкур Битирув малакавий иши мазмун-моҳиятини янада кенгроқ очиб бериш мақсадидан келиб чиқиб бир қатор вазифалар белгиланди:

- мавзу мазмун моҳиятини аниқ далил, манбаларга асосланган ҳолда яратиш;

- ўқилган тарихий адабиётлар асосида эскизлар бажариш;

- эскизлар йиғиндисидан композитция яратиш;

Мавзунинг ўрганилиш даражасининг қиёсий таҳлили. Мазкур малакавий битирув ишини кенг ёритишда қуйидаги адиётлар: Б.Аҳмедовнинг “Амир Темур дарслари”¹, “Соҳибқирон Темур” (Ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти²); В. Бартольднинг “Туркестан в эпоху монгольского нашествия”³; З. Муқимовнинг “Амир Темур тузуклари”⁴ (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот); Р.Алимовнинг “Соҳибқирон Амир Темур”⁵; Т. Грановскийнинг “Темур. Сочинение”⁶; У.Уватовнинг “Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида”⁷; Ҳ. Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи”⁸ Ш. Пиримқуловнинг “Грановскийнинг «Тимур» мақоласи”⁹; Шарафуддин Али Йаздийнинг “Зафарнома”¹⁰ ҳамда бошқа кўплаб адабиётлар манба вазифасини ўтади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. "Амир Темур Анқара жанги мавзуси" га дастгоҳли графика туркум композициялар бугунги кунга қадар илмий нуқтаи назардан мавзунинг асл мазмун-моҳияти, ғоясини ўзида акс эттирувчи малакавий битирув иши қилинмаган.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти. Мавзунинг илмий аҳамияти шундан иборатки, "Амир Темур Анқара жанги мавзуси" га дастгоҳли графика туркум композициялар ҳамда унинг тарихи илмий жиҳатдан таҳлил этилди. Амалий аҳамияти келгусида ушбу малакавий битирув ишидан "Амир Темур Анқара

¹ Б.Аҳмедов. Амир Темур дарслари. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 144 б.

² Б.Аҳмедов. Соҳибқирон Темур (Ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти), Т.: “Шарқ”, 1996. – 134 б.

³ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. М.: Наука, 1963. – С 329.

⁴ З.Муқимов. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – С.:СамДУ. 2008. – 131 б.

⁵ Р.Алимов. Соҳибқирон Амир Темур. Методик тавсиянома. – Т.: Шарқ. 1995. – 342 б.

⁶ Т.Н. Грановский. Темур. Сочинение. Четвертое издание. – М.: Наука, 1980. – С.596.

⁷ У.Уватов. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 157 б.

⁸ Ҳ. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. – 56 б.

⁹ Ш.Д. Пиримқулов Грановскийнинг «Тимур» мақоласи хусусида. //Амир Темур илм-фан хомийси. Халқаро илмий конференция. 22-23 май. – Самарқанд, 2-қисм, 1996. – 162 б.

¹⁰ Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., “Шарқ”. 1997. – 383 б.

жанги мавзуси" га дастгоҳли графика туркум композициялар ҳамда унинг тарихи ўрганиш ҳамда илмий тадқиқот олиб борилишида манба сифатида фойдаланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, 2 боб (биринчи боб икки бўлимни, иккинчи боб уч бўлимни ўз ичига олган), хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловалар рўйхатидан иборат.

АСОСИЙ ҚИСМ

І БОБ. ТАСВИРИЙ САНЪАТДА АМИР ТЕМУР СИЙМОСИ

1.1. Амир Темуր ҳаёти ва ижоди

Амир Тему́р ибн амир Тарағай 1336 йил 9 апрелда Кеш (Шахрисабз) вилоятининг Хўжа Илғор қишлоғида дунёга келган. Унинг отаси Амир Муҳаммад Тарағай барлос улусига мансуб беклардан, баҳодир жангчи, уламою фузалого ихлосманд, илм аҳлига ҳомий ва иштиёқманд киши бўлган.

Амир Тему́рнинг ёшлиги ҳақида маълумотлар кам учраса-да, айрим манбаларга қараганда, у ёшлигида хат-савод чиқариб, ўз даврининг тиббиёт, риёзиёт, фалакиёт, меъморчилик ва тарих илмларини ўрганган. Амир Тему́р билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлган буюк араб файласуфи Ибн Халдун жаҳонгир турк, араб, форс халқлари тарихини, диний, дунёвий ва фалсафий билимларнинг мураккаб жиҳатларигача яхши ўзлаштирганини таъкидлайди.

Амир Тему́р сиёсат майдонига кириб келган пайтда, Мовароуннаҳр мўғуллар истибдоди остида бўлиб, Чингизхон ва Ботухон босиб ўтган шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланган, сув иншоотлари бузиб ташланган ёки ишга яроқсиз ҳолга келтирилган, Чингизхон Мовароуннаҳрни ўзининг иккинчи ўғли Чигатойхонга суюрғол сифатида инъом қилган эди.

Амир Тему́рнинг ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади. Биринчи даври (1360-1385) Мовароуннаҳрни мўғул хонлигидан озод қилиб, ягона марказлашган давлат тузиш, ўзаро урушларга барҳам бериш. Иккинчи даври (1386-1405) эса икки йиллик, уч йиллик, беш йиллик, деб аталувчи бошқа мамлакатларга юришлари билан характерланади.

1360-йиллардан бошлаб Амир Тему́р Мовароуннаҳрдаги ички низо, урушларда иштирок эта бошлади ва Мўғулистон ҳукмдори Туғлуқ Тему́рхон, унинг ўғли Илёсхўжага қарши курашлардан сўнг, Амир Хусайн устидан ғалаба қозонгач, 1370 йилда Мовароуннаҳр тахтининг ҳақиқий соҳиби бўлди ва Самарқандни ҳокимият пойтахти этиб белгилади.

Амир Темур тахтга ўтиргач, Чигатой улусининг барча ерларига ўзини ворис деб билди ва Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги ерларни, Тошкент вилоятини, Фарғона водийсини, Хоразмни ўз ҳукмронлиги остига киритди. Натижада, Мовароуннаҳр ва Хуросонда йирик марказлашган давлат вужудга келди. Соҳибқирон сўнгги йилларда Эрон, Ироқ, Закавказье мамлакатлари, Ҳиндистон, Олтин Ўрда ва Туркия билан бўлган жангларда ғолиб чиқиб, салтанат ҳудудини шарқда Хитой деворига қадар, ғарбда — Ўрта ер денгизига, жанубда эса Ҳиндистон чегараларига қадар кенгайтирди.

Темур фаолиятида муайян сиёсий йўл — майда феодал ҳукмронлигини тугатиш, муҳим халқаро қарвон йўлларида устунлик қилиб турган Олтин Ўрда, Эрон ва бошқа мамлакатларнинг рақобатини енгиб, Мовароуннаҳрнинг сиёсий-иқтисодий қувватини таъминлай оладиган марказлашган давлат ташкил этиш эди. Амир Темур авваламбор мамлакатда давлат тизимини мустаҳкамлаш, бошқаришдаги тартиб-интизом, қонунчиликни кучайтириш, савдо-сотик, хунармандчиликни кенгайтиришга имконият яратиш, солиқларни тартибга солиш, мамлакат ҳимоясини таъминлаш йўлида кўшиннинг қудратини ошириш кабиларга катта эътибор берди.

Соҳибқирон замонасининг ажойиб дипломати, давлатларўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилиши ва иқтисодийалоқалар ривожланишининг тарафдори сифатида ҳам машҳурэди. У олимлар ва ҳокимлар, меъморлар ва шоирларнинг буюкҳомийси янглиғ донг чиқарган¹¹».

Амир Темурнинг ҳар бир ҳарбий юришига туртки бўларлик сабаб бор эди. Бу сабаблар — ўз давлатининг чегараларини мустаҳкамлаш, ташқи душманлардан ҳимояланиш, қарвон йўлларини турли йўлтўсарлардан тозалаш, хиёнатчи, сотқин, алдамчиларни жазолаш, бўйсунмаганларни итоат эттириш, ўзининг сиёсий таъсирини кенгайтириш кабилардан иборат бўлганлигини тарихий манбалардан билиб олиш мумкин. Масалан, Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши юришини олсак, Темур Тўхтамишхонга

¹¹ «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзусидаги халқаро конференция тезислари тўпламига ёзилган сўз боши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996, 4-б.

кўп илтифотлар, ёрдамлар кўрсатиб, 1379 йилда Урусхонни енгиб, Оқ Ўрда тахтига Тўхтамишхонни ўтказган эди. Аммо Тўхтамишхон Амир Темурнинг умидларини пучга чиқарди.

У Мовароуннахрга бир неча бор талончилик ниятида бостириб кирганидан сўнг, Темурда ҳам унга қарши курашиш мажбурияти вужудга келди ва 1395 йил 15 апрелда кундузчада Амир Темур билан Тўхтамишхон ўртасида ҳал қилувчи ҳаёт-мамот жанги бошланди. Жанг фақат Тўхтамишхоннинг тақдирини ҳал қилиб қўяқолмай, балки бутун Олтин Ўрда тақдирини ҳам ҳал қилди.

Тарих Темур зиммасига Олтин Ўрдадек қудратли мўғул империясининг асосини емиришдек улкан вазифани қўйган экан, Соҳибқирон бу вазифани ҳам буюк жасорат билан адо этиб, Рус князликлари ва Шарқий Оврўпо халқларини мўғуллар асоратидан халос бўлишларига йўл очиб берди. Йирик рус олими А. Ю. Якубовский: «Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган бу ғалабаси нафақат Марказий Осиё ва Шарқий Оврўпо, балки Русия учун ҳам катта аҳамиятга молик бўлди», деб ёзди.

Темур давлатни бошқаришга катта эътибор бериб, янги давлат тизими бўйича Девони бузrugдан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон деб аталувчи бошқарма тузиб, бу бошқармалар солиқ йиғиш, тартиб сақлаш, ижтимоий бинолар — бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, суғориш тармоқларига қараб туриш ва аҳолининг хулқий-ахлоқий ҳаракатларини назорат остига олиш каби ишлар билан шуғулланган. Ҳар бир Девонда кирим ва чиқимларни ҳисобга олиш, қайд этиш турк-ўзбек ва форс-тожик тилларида олиб борилган.

Темур тарихчилар тасвирича, Ўрта асрнинг атоқли давлат ва ҳарбий арбобларидан бўлиб, Оврўпо олимлари ўз асарларида унинг салбий томонлари билан бирга муҳим фазилатларини ҳам таъкидлаб ўтганлар. Немис олими Ф. Шлоссер ўзининг «Жаҳон тарихи» (III-том) асарида: «Бахтиёр жангчи, жаҳонгир, узоқ Шарқда қонуншунос бўлиш билан бирга ўзида, Осиёда кам учрайдиган тактик ва стратегик билимларни ифодалади»,

деб ёзса, атоқли немис олими ва тарихшуноси М. Вебер: «Темур ўз душманларига нисбатан жуда бераҳм эди, лекин саркардалик, давлатни бошқариш ва қонунчилик соҳасида буюк талантга эга эди», деб таърифлайди. Шунингдек, «Тузуки Тимур» — «Темур тузуклари»да ҳам Темурнинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қараши, бирлашган қудратли феодал давлатнинг сиёсий ва ахлоқий қоидалари ҳақида гап боради.

«Темур тузуклари»да давлат тизими, давлатдаги турли лавозимларнинг вазифаси, ундаги турли тоифалар ва уларга муносабат, давлатни бошқаришга асос бўлган қоидалар, қўшинларнинг тузилиши, тартиби, уни бошқариш, таъминлаш, рағбатлантириш, қўшин турларининг тутган ўрни ва ўзаро муносабати каби масалалар баён этилади. Давлат ишларини ҳар доим ислом ва шариат ҳукмлари асосида олиб борилганлиги бир неча бор таъкидланади. «Салтанатим мартабасини,— деб таъкидлайди Амир Темур,— қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди». Бундан ташқари, асарда жамият ишларидаги одамларнинг 12 тоифага бўлиниши, салтанатни бошқаришда 12 қоидага амал қилинганлиги, салтанат 4 қатъий қоидага асосланиши каби масалалар ҳам тартиб билан баён этилган.

Шаҳарлар ва шаҳар атрофи аҳолисидан на жон солиғи ва на бож олинарди. Бирорта ҳам аскарнинг доимий туриш учун шахсий кишилар уйини эгаллашга ёки фуқароларнинг молини ва бойлигини ўзлаштириб олишга ҳаққи йўқ эди. «Барча ишларда,— деган эди Амир Темур,— бу ишлар қайси ўлка халқига тааллуқли бўлмасин, ҳокимларнинг адолат томонида қаттиқ туришларига буйруқ берилган. Қашшоқликни тугатиш мақсадида бошпаналар ташкил қилдимки, камбағаллар улардан нафақа олиб турардилар». Бундан ташқари, Темурнинг солиқлар ҳақидаги қоидаси жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Темур ёзади: «Солиқдар йиғишда халқни оғир аҳволга солишдан ёки ўлкани қашшоқликка тушириб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур. Негаки, халқни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади, хазинанинг беқувватлиги ҳарбий

кучларнинг тарқоқланишига, бу эса, ўз навбатида ҳокимиятнинг кучсизланишига сабаб бўлади...»

Амир Темур ҳарбий салоҳиятда жаҳонга машҳур саркарда ва ўз замонасининг энг қудратли ҳукмдори бўлиши билан бирга, унинг ҳарбий назарияси ва амалий ҳарбий санъати, тактика ва стратегияси, армия таркибининг тузилиши ўз даврининг нодир мўъжизаси эди. Унинг ҳарбий маҳорати турли йўналишларда — аскарӣ қисмларни қайта ташкил этишда, душманга ҳужум қилишда турли-туман усуллардан фойдаланишда, ҳужумдан олдин душман жойлашган ерларни обдон ўрганиб чиқишда, ҳам лашкарбоши — қўмондонликда намоён бўдди.

Адабиётларда Темур ҳақида бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлиб келди, лекин уларнинг кўпларида Темур фаолиятига ўз даври нуқтаи назаридан эмас, балки муаллифлар яшаган давр нуқтаи назари асосида баҳо берилган.

«Темур тузуклари»ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб, 1787 йилда нашр этган француз олими Лянглэ Темур ҳақида шундай ёзади: «Темур хон (Темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз бунини тасаввур ҳам қилмаган эдик ва унинг урушларини босқинчилик ва талон-тарож қилиш деб баҳолаб келган эдик. Деярли енгиб бўлмайдиган икки тўсиқ — биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди».

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Амир Темур давлат, жамият ҳаётида бўлиб ўтадиган ҳар бир муҳим режа олдидан кенгаш ўтказар ва бу кенгашга нафақат давлат арбоблари, саркардалар, темурзодаларни, балки саййидлар, шайхлар, илм-фан арбобларини ҳам таклиф этган ва ўзининг ҳар бир юриши олдидан бундай кенгашларни ўтказиб туришни одат тусига киритган.

Шоҳ ва саркарда, донишманд, ўзи тузган катта давлат билан дунё тарихида ўчмас из қолдирган бунёдкор Амир Темур нафақат буюк бобокалонимиз, балки ғурур ва ифтихоримиздир.

“Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг”. Соҳибқироннинг бу гапи неча юз йилларким ўзбекнинг куч-ғайрати, шижоати, бунёдкорлиги ва қудратидан далолат бериб турибди. Шўро даврида номига қора суртилиб, қўнхўр деб уқтирилган Амир Темур номи Истиклол сабаб қайта тикланди. Оҳори кетиб, атайин оёқости қилинган обидалар, мақбаралар, мадраса ва муқаддас қадамжоларга қайтадан жон ато этилди. Китобларда номи қонхўр жаллод деб қайд этилган Темур номи оқланиб, давлат ва халқ учун қилган хизматлари, қурдирган боғларию саройлари, дунё илмига қўшган ҳиссаси, олиб борган одилона сиёсати юзага чиқди. “Темур тузуклари” эса янги авлод тарбиясидаги энг асосий восита сифатида тан олинди. Бунёдкорлик бобомизнинг энг катта ҳаётий ғояси бўлганлигини унинг тузук-ларидан ўқиб билишимиз мумкин: “Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, қай бир жойдан бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим”.

Амир Темур “Таржимаи ҳол”ида айтишича, ҳаёти мобайнида беш нарсага қатъий эътиқод қилиб, уларга доимо амал қилган: Оллоҳ, тафаккур, қилич, имон ва китоб (битик)дир.

Шунингдек, у давлат бошқарувида “Куч – адолатдадир” деган шиорга амалга қилган.

Амир Темур Хитойга юриш қилишга тайёргарликни 1398 йилдаёқ бошлаган. Турк султони Боязид Йилдирим билан бўлган уруш Хитой юришини орқага сурган эди.

1941 йилда 20 июнда Амир Темур қабри очилади ва икки кун ўтгач Германия СССРга ҳужум қилади. Шундан сўнг одамлар орасида Темур қабрининг очилиши туфайли уруш бошланди деган гап сўзлар тарқалади. Лекин, фашистлар Совет Иттифоқига ҳужум қилиш режасини анча олдин тузиб қўйган эдилар.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланишини Амир Темур қабрининг очилиши билан боғлайдиганлар жуда кўп. Бу ҳақда катта илмий мақолалар, ҳужжатли фильмлар, кўрсатувлар ҳам тайёрланган эди. Темур қабридан олинган бош суяк парчалари ўз жойига қайтарилгач, уруш барҳам топган деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистонда Амир Темурнинг учта ҳайкали мавжуд. Тошкентдаги соҳибқирон ҳайкали 1994 йил 31 август, мустақиллик куни арафасида ўрнатилган бўлиб, у таниқли ҳайкалтарош Илҳом Жабборов томонидан ясалган. Темур ҳайкалидан унчалик узоқ бўлмаган ҳудудда 1996 йил, Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Темурийлар тарихи давлат музейи қад ростлади. Бугунги кунга келиб ушбу музейда Темурийлар тарихига оид 3,5 мингдан зиёд экспонатлар сақланади.

Самарқандаги Амир Темур ҳайкали 1996 йилда ўрнатилган. Шаҳрисабздаги Амир темур ҳайкали шу йилда қад ростлаган. Ҳайкалтарошлар: Илҳом ва Камол Жабборовлар.

Амир Темур қўшинларининг сони 200 минггача етган. Қўшин ўнлик, юзлик, минглик ва туманларга бўлинган.

Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятида икки давр яққол кўзга ташланади: биринчи даври (1360-1385) Мовароуннаҳрни мўғул хонлигидан озод қилиб, ягона марказлашган давлат тузиш, ўзаро урушларга барҳам бериш бўлса, иккинчи даври (1386-1405) икки йиллик, уч йиллик, беш йиллик, деб аталувчи бошқа мамлакатларга юришлари билан характерланади.

Турғун Файзиевнинг “Темурий маликалар” асаида ёзилишича, Амир Темур суюкли рафиқаси Сарой Мулк хонимдан фарзанд кўрмаган. Аммо соҳибқирон ўз ўғли Шохруҳ Мирзони, суюкли набиралари Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо ва бошқа мирзоларни бевосита зукко Сарой Мулк хоним тарбиясига топширган эди.

1405 йил 8 февралда соҳибқирон Амир Темур Ўтрорда вафот қилгач, Самарқанд тахтига унинг набираси Халил Султон Мирзо(1384-1411) ўтирди. Ибн Арабшоҳнинг берган маълумотига кўра, Халил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим 1408 йилда Сарой Мулк хонимни заҳарлаб ўлдирган.

Амир Темурнинг 1395 йилда Тўхтамишхон устидан қозонган ғалабаси русларнинг муғуллар зулмидан озод бўлишини 200 йилга тезлаштирган.

Амир Темурнинг ободончилик ишлари тўғрисида таниқли шарқшунос олим, академик В. В. Бартольд: «Темур гўё Самарқанддан бошқа ҳамма ерда вайронгарчилик билан шуғулланган, деган фикр муболағали: у Қобул водийси ва Муған чўли каби Самарқанддан узоқ бўлган жойларда улкан суғориш ишлари олиб борди», деган тарихий жиҳатдан ғоят қимматли фикрни айтиб ўтган. Бу фикрга муқояса қилиб, Али Яздийнинг ёзишмасини келтириш мақсадга мувофиқдир. «Бир йил мобайнида,— деб ёзади Ўрта аср тарихчиси Али Яздий,— Бағдод шаҳрини тиклаш ҳақида буйруқ берилди, токи шаҳар яна ўз қиёфасини олсин, унда хунармандчилик ривожлансин, теварак-атрофида деҳқончилик ўссин, савдо-сотик ва маданий ҳаёт кенг тармоқ ёйсин, ислом билими илгаригидай ёйилсин. Бу вазифа амирзода Абу Бакирга топширилди».

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Мовароуннаҳрда муғулларнинг қарийб 140 йиллик ҳукмронлик даврида биронта ҳам кўзга кўринарли қурилиш ёки сув иншоотлари вужудга келмаган. Амир Темурнинг ташаббуси билан 1365 йилда қарши, 1370 йилда Самарқанд, 1380 йилда эса Кешнинг атрофи қайтадан мудофаа деворлари билан ўралган. Шунингдек, халқ фаровонлигию, мамлакат ободончилиги йўлида сув омборлари, тўғонлар қуришга, ариқлар қазилшга, янги ерларни ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилган. Мамлакатнинг иқтисодий аҳволини кўтарихца савдонинг аҳамияти беқиёс эканлигини тушунган ҳукмдор бозорлар, расталар ва тимлар, турли-туман устахоналар барпо этиб, халқ хунармандчилик санъатини тараққий эттирган.

Амир Темур илм-фан, маънавият аҳлига эътибор, меҳрибонлик кўрсатиб, улардан жамият маданий ҳаётида фойдаланишга интилар экан, тарихчи Ибн Арабшоҳ ёзганидек, «Темур олимларга меҳрибон, саййиду шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалога тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату икромини унга изҳор қиларди».

Амир Темур саройида қўплаб илм-маърифат алломалари Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунши, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадриддин Аҳмад, Мавлоно Нуъмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокийлар Соҳибқироннинг марҳаматидан баҳраманд бўлиб, унинг хизматида бўлдилар. Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, ҳандаса, меъморчилик, фалакиёт, адабиёт, тарих, мусиқа каби соҳалари равнақига катта эътибор бериб, соҳиби ҳунарлар билан қилган суҳбатлари ҳақида француз олими Лянглэ шундай ёзади: «Темур олимларга серилтифот эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик килишга асосий эътиборини берарди».

Амир Темур ўзини моҳир дипломат сифатида ҳам намоён қилаолган. Унинг Византия, Венеция, Генуя, Испания, Франция, Англия, бошқача айтганда, ўша вақтда кўпроқ маълум ва машҳур бўлган Оврўпо давлатлари билан иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва уни мусаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини француз ва инглиз қиролларининг унга ёзган мактублари билан далиллаш мумкин.

Манбаларда соҳибқирон Амир Темур — ёрқин хислатларга эга эканлиги, хотираси ўткир, шижоатли ва қатъиятли, бирсўзли, зўр руҳий қудрат эгаси, салобатли инсон сифатида таърифланади.

Амир Темурнинг Осиё, умуман жаҳон тарихидаги хизматлари ва тутган ўрни хақида хулоса қилиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш жоиздир: Амир Темур Марказий Осиёни мўғуллар исканжасидан озод этишда барча юртпарвар кучларни уюштириб, уларни мустақиллик учун курашга йўналтирган етакчи раҳбар, ерли халқнинг бу соҳадаги орзу-умидларини рўёбга чиқишига улкан ҳисса қўшган саркардадир; Амир Темур кўп йиллар давомида мустамлака бўлиб, чет эллик ҳукмдорларга бўйсуниб келган Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўз юрти, халқининг куч-қудратига таянган мустақил ва ягона давлат барпо этаолди; Амир Темур ҳам ўз даврига хос бўлган турли сабабларга биноан бошқа мамлакатларга юришлар қилди ва Оврўпо мамлакатларининг ривожланишини тезлашишига ўз ҳиссасини қўшди. Россияни Олтин Ўрда зулмидан, Оврўпони Туркия тажаввузидан сақлаб қолди; Амир Темур ўз сиёсатида маданият, ободончилик, хунармандчилик ҳомийси бўлиб танитди. Ўз сиёсати билан маданий юксалишга ва туркий тилининг ривожига кенг йўл очиб, нафақат Марказий Осиёнинг маданий-маънавий оламида, балки бутун мусулмон олами тарихида ўчмас из қолдирди ва сўнгги ривожланишига катта таъсир кўрсатди; Амир Темур қатор Шарқ мамлакатлари ва айниқса, Оврўпо мамлакатлари билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, улар билан турли савдосотик, маданий алоқаларга янада кенг йўл очиб берди.

Амир Темур даврида Самарқандда миниатюра рассомчилик мактаби ташкил топди. Ҳозир Туркия ва Берлин кутубхоналарида сақланаётган кўчирма-хомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид бўлиб, уларда алоҳида шахслар, дарахтлар, гуллар, кичик композициялар, нақшларда чизиқларнинг уйғунлиги, ҳаракатлар аниқлиги, қиёфаларнинг ўз ўрнида жойлаштирилиши билан ажралиб туради.

Тарихий шахсларнинг қиёфалари ҳам миниатюраларда акс этган. Амир Темур қиёфаси тириклик вақтида акс этган миниатюралар ҳали топилмаган. Асл ҳолатига яқин суратлар “Зафарнома”нинг дастлабки кўчирилган нусхаларида учрайди. Унинг бир мунча ёрқинроқ қиёфаси Хиротда (1467 й)

кўчирилган “Зафарнома”да келтирилади. Дастлаб Мирак Наққош бошлаган ва Бехзод яқунлаган ушбу миниатюрада бой композиция ва сержило буёқларнинг уйғунлиги ажралиб туради.

Миниатюра рассомчилигининг тараққиёти адабиётнинг ривожи билан боғлиқ бўлган. Мусаввирлар Фирдавсий, Низомий, Дехлавий, сўнгра Жомий ва Навоий асарларига расмлар ишлаган. XIV асрда “Жомеъ ут-таворих”, “Тарихи Рашидий” каби тарихий асарларга ҳам миниатюралар ишлаган. Бу анъана Темурийлар даврида ҳам давом эттирилиб, “Зафарнома” ва “Темурнома” асарларида жанг лавҳалари тасвирланади. Айрим ҳолларда диний асарларга ҳам Макка ва Мадина тасвири туширилган. Бадиий асарларнинг баъзиларида Муҳаммад пайғамбарнинг (юзи ниқобда) одамлар орасида турган ҳолати ва меърожга чиқишларига оид лавҳалар учрайди.

XV аср миниатюраларининг аксариятида шарқ шеърятининг қаҳрамонлари-Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустам, жанг лавҳалари тасвирланади. Умуман миниатюра санъати Ирок, Эрон, Хуросон, Моворауннахр ва Хиндистонгача худудда бир даврга хос бадиий-эстетик ходиса эди. Бу ходиса Темурийлар билан боғлиқ булиб, темурийларнинг Бағдод, Шероз, Табриз, Хирот, Самарқанд, Дехли каби марказларида бир неча миниатюра мактаблари вужудга келди.

Самарқанд миниатюра мактаби XIV-XV асрнинг биринчи ярмида қарор топган булиб, турли туркумда яратилган бу миниатюраларда Шаркий Туркистон санъатига хос булган Туркий образларда Хитой рассомчилиги таъсири сезилиб туради.

Самарқанддаги сарой мусаввирлари Абул Хайя ва унинг шогирдлари Шайх Махмуд Талилий, Пир Аҳмад Боғи Шимолий, Муҳаммад бин Махмудшоҳ, Дарвеш Мансурлар ишлаган расмлар нозик, буёқлар усталик билан қўлланган уларнинг миниатюралари темурийлар даврига хос ов-шикор мавзуида яратилган. 1420 йилдан кейин Бойсункур Мирзо Хиротда хаттотлик ва наққошлик устахонаси ташкил қилгач бу рассомларнинг айримлари хиротга кўчиб ўтади. Абул хайя тарихий асарларигиша ишлаган

миниатюраларда Амир Темур ва темурийларнинг қиёфалари акс этса, бадиий асарларга ишлаган расмларида ҳам улар турли ҳолатларда тасвирланади. Халил Султон даврида ишланган айрим миниатюралар график тарзда, бадиий жиҳатдан ўзига хос “сиёҳи калам” услубида ишланган. Темур ҳаётлик даврида деворларида шох ва шахзодалар портрет жанрини Камолиддин Бехзод шакллантирди. Умуман, Темур ва темурийларнинг қиёфалари тасвирланган кўплаб миниатюралар дунёнинг турли кутубхоналарида сақланмоқда. Бирок, бу миниатюраларда нур сочиб турган қуёшсимон шернинг боши тасвирланган Темурнинг герби унинг саройи пештокида, Халил Султон ва Улугбек зарб қилган тангаларда учрайди. Чунки, Хирот ва Шероз миниатюралари қаҳрамонларининг кийимлари бошқачароқдир.

Самарқанд мактаби миниатюрачилари вакиллари композиция яратиш ва манзара тасвирида маҳоратларидирлар.

Улугбек даврида Султон Али Бовердий миниатюралари чизиқларнинг кескинлиги, рангларнинг ёрқинлиги билан ўзига хосдир. Самарқанд мактабига хос бўлган 18 та миниатюра Низомийнинг “ҳамса” асарига ва 49 та миниатюра “Шохнома” асарига ишланган бўлиб, ҳозир Туркия кутубхонасида сақланади. Улугбек даврида ас-Суфийнинг “Силжимас юлдузлар рўйхати” асарига ишланган миниатюраларда хариталар қизил ва қора доиралар билан катта ва кичик юлдузларнинг жойлашиши кўрсатилган бўлиб, график тарзда ранг бермай қора сиёҳда чизилган. Юлдуз туркуми оддий халқ вакили қиёфасида тасвир этилади. Шарқ миниатюрачилигида оддий халқ ҳаёти мавзуи темурийлар даврида пайдо бўлган. Масалан, “Самарқанд масжидини қуриш”, “Искандар деворини бунёд этиш”, “Кучманчилар турмуши”, “Жамшиднинг оддий халққа ҳунар ўргатиши” мавзуидаги миниатюралар бунга мисолдир.

Темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши бадиий ҳунармандчиликнинг турли шаклларида намоён бўлди. Бадиий ҳунармандчилик асосан меъморчилик билан боғлиқ бўлмай, кошинкорлик кулолчилиги, ёғоч уймакорлиги билан ҳам боғлиқ эди. Қабр тошларига

кисман ўсимликсимон , асосан геометрик назмларда хаттотлик намуналари билан сўзлар битилган. Қабртошлар сағана ёки суна шаклида бўлиб , буз рангли мрамрдан , айрим холларда ўта ноёб тошлардан тантана идишлар ишланган. Ёғоч уймакорлигида Гўри Амирда, Шохи Зинда, Яссавий мақбаралари , эшиклари, шунингдек XV асрга оид уй устунлари нақшлар билан ишланган. Темур ва Улуғбек даврларида металл уймакорлиги тараққий этади. Буюм ва идишлар олтинсимон бронза, латун, қизил мисдан ишланган. Нақшлар уйиб буртма усулда қимматбаҳо тошлар қадалиб тайёрланган. Яссавий мақбараси улкан-шамдонлар , айниқса икки тонналик қозон бронза куйиш санъатининг энг юксак намунасидир.

Амалий санъатнинг кулолчилик тури учун яшил , зангори тусдаги ёрқин сир устига содда ўсимликнома нақшларни қора буёқлар билан тушуришга ёки уорма гуллар ишланиши, бу даврда пайдо бўлган оппоқ идишларга сир устидан кобальт ёрдамида нақш берилиши янгилик эди. Сопол буюмларда нақшлар мўйқаламда ёзилган. Олдинги асрларда сопол буюмларда кулол-рассом турли услубда оч ҳаворангдан то ложувардга қадар ранглари кўллайди. Темур ва темурийлар даврининг амалий санъат турларидан тўқимачилик, гиламдузлик, каштачилик юксак санъат даражасига кўтарилди.

Амир Темур илм-фан ривожини учун ғамхурлик қилиши туфайли Самарқанд дунёнинг маърифий марказига айланди. Машхур олимлар Самарқандга келди. Масалан, Козизода Румий, табиб Хусомиддин Кермоний, фалакиётшунос Мавлоно Аҳмад, Улуғбек даврида турли мамлакатлардан келган 100 дан ортиқ олимлар илмий ва ижодий фаолият кўрсатган. Фалакиётшунослик фанида Улуғбек, Козизода Румий, Гиёсиддин Жамшид ва Али Қушчилар янги кашфиётлар қилди. Тарих илмида Шарофиддин Али Яздий, Хофиз Абру, Абдураззок Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий ва бошқалар қимматли асарлар яратди. Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда биринчи Академияга асос солинди, ер куррасини ўлчаш ва фалакиётшунослик жадвалларини тузиш ишлари амалга оширилди. Самарқанд расадхонасида Улуғбек математика, геометрия,

фалакиётшуносликда чуқур билимлар соҳиблари эди. Али Қушчи, Муҳаммад Хавофийлар унинг севимли шогирдлари бўлган. Мирзо Улуғбек “Зич” асарида VIII-XI асрларда бошланган фалаккиёт илмига оид анъанани давом эттириб, юқори даражага кўтаради. Математикага доир “бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола”, Фалакиётшуносликка оид “Рисолаи Улуғбек” ва “Муסיқа илми ҳақида рисола” каби асарлар ёзди. Бу даврда етук ижодкорлар Кутб, Сайфи Сароий, Хайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солих ва бошқалар яшаб ижод қилди. Айниқса Моварауннахр ва Хуросонда ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг мавқеи орта борди. Хуросондаги туркийзабон халқлар ва уларнинг зиёлилари Самарқанд, Бухоро, Туркистон ва бошқа шаҳарлардаги олимлар шоирлар ва санъаткорлар билан ўзаро жуда яқин муносабатда бўла бошладилар. Қайси ижодкор ўзига қайси мамлакат ёки шаҳарни қулай деб билса, уша ерда яшаб ижод қилди.

Масалан, Хоразмлик шоирлар Хайдар ва Хофиз Хоразмийлар Шерозга, Исмоил Ота авлодларидан бўлган шоир Шайх Атоий Турбатдан (Тошкент яқинида) Балхга, Мавлоно Лутфий ҳам асли Тошкентдан бўлиб Хирот яқинига бориб яшаб қолганлар. Темурийлардан 22 та ижодкор-шоир бўлиб, улар ўзлари шеър ёзиш билан бирга ижодкорларга хомийлик ҳам қилган. Хали Султон, Хусайн Бойкаро кабилар уз шерларидан девон тuzганлар. Хуросон ва Мовароуннахрда форсий ва туркийда ҳам иккала тилда ижод қилувчи шоирлар кўп бўлиб, адабий ҳаёт юксалади. Шарқ классик адабиёти таржимонларига ҳам эътибор кучайди. “Чахор маноли” каби адабиётназариясига оид асарлар яратилган. Бадиий ижоднинг ғазал, рубоий, туюк, каби турлари ривож топган. Адабий жараёнда шохлар ҳам, оддий касб ва хунармандлар ҳам, олим ва фозиллар ҳам қатнашган. Моварауннахрда Улуғбек даврида кўплаб форсий ва туркий ижодкорлар тўпланди. Адабий муҳитни бевосита Улуғбекнинг ўзи бошқарар, Самарқандда ўша даврнинг энг яхши шоирлари йиғилган эдилар. Шоирларнинг сардори (“Малик ул-калом”) қилиб Мавлоно Камол Барахший тайинланган эди. Саккокий ўз

қасидаларидан бирида Улуғбекнинг шеър ёзишни ва унинг шеър ҳақидаги тушунчаси юқори бўлганлигини таъкидлаб ўтган. Улуғбек Хуросондаги ижодкорлар билан ҳам дўстона муносабатда бўлган. У Лутфий шеърларини XV асрнинг машҳур шоири Салмон Саважи шеърлари билан тенг кўрган. Мумтоз шоир билан тенглаштириш Лутфий учун катта шараф эди.

Улуғбек саройдаги энг обрўли ўзбек шоири Саккокийнинг лирик шеърлари билан бирга ўзбек тилидаги қасидалари ҳам бу шеъри жанрнинг сезиларли ютуғи бўлди. Навоий “Мажолис ун-Нафоис” тазкирасида кўпроқ Хуросонлик шоирлар ҳақида маълумотлар берса, давлатшоҳ Самарқандий “Тазкират уш-шуаро” асарида ўтмишда ўтган ижодкорларга тўхталади. Яқинда маълум бўлган Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозийнинг “Фукукул-балого” (1437 й.) асари темурийлар даври Моварауннахрдаги адабий ҳаётини ўрганиш имкониятларини очди. Шайх Аҳмад Тарозий ўз асарида бизга маълум бўлган машҳур шоирлардан ташқари, бизга маълум бўлган машҳур Бузонинг туюқларини, Шамс қисорийнинг “ал-мақлубул баъз” шеърий санъати намуналарини, Жалолий деган шоирнинг ишқий мазмундаги байтларини, “мутасалсал” санъатига оид ўзининг ғазалидан намуналар келтиради. XV асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг энг ривожланган даври бўлиб, бу юксалик Темурий Бойқаро ва ўзбек адабиётининг порлоқ куёши Навоий номлари билан боғлиқ Бойқаро ҳукмронлиги даврида адабиёт, санъат ва фаннинг кўп соҳалари ривожига катта аҳамият берган. Навоийнинг “Хамса” ва “хазойинул-маоний” девони, Жомийнинг “хашт аранга” ва шеърий девонлари шу давр адабиётининг энг буюк намуналари бўлади. Хусайин Бойқаро ўз “Рисоласида” унинг ҳукмронлиги даврида шундай асарлар яратгандан чексиз фахрлангани бежиз эмас. Бу бой адабий мерос ўзбек адабиётининг кейинги тараққиётига ҳам ўзининг чуқур таъсирини кўрсатади. Бобурнинг “Бобурнома” асари шу давр ўзбек адабиёти ва илмнинг ҳаётбахш анъаналари асосида юзага келган эди.

XV асрда ўзбек адабиёти, айниқса Навоий ижоди мисолида адабий жанрлар ранг-баранглиги нуқтаи назаридан ҳам энг юксак чўққига кўтарилди. Ўзбек адабий тили шаклланди.

Темурийларнинг адабиёт ва маданият соҳасидаги анъаналари кейинчалик бобурийлар томонидан Афғонистон ва Ҳиндистонда, XVIII-XIX асрларда хоразм ва қўқон хонлигида ривожлантирилди²². Темурилар даври адабиёти ўзбек адабиёти ривожига ўзига хос алоҳида бир босқични ташкил этади . Бу адабий мерос Ўзбекистонда хали асрлар давомида ўзининг бой мазмуни билан ғоявий-мавфуравий теранлиги ва илоҳийлиги билан комил инсонни тарбиялашда катта аҳамият касб этади .

Темурийлар даврида яратилган адабиёт тасаввуфнинг адабиёти даражасини белгилади . Адабиёт тасаввуфининг ғоявий мазмунида илоҳий масалаларни қамраб олиб, умум инсоний тафаккурини ифодалайди . Мовароуннахр ва Хуросонда XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрда рўй берган маданий юксаклик бутун мусулмон шарқнигина эмас , овропа мамлакатларини ҳам ҳайратга солди .

Темур ва темурийлар давридаги маданий юксалишини умумий омилларини аниқлаш шуни кўрсатадики, улар ўзаро узвий боғланган ва яхлит бир бутун ҳолдагина қисқа вақт ичидаги маданий –маънавий юксаклигини юзага келтира олган .

Булардан биринчи навбатда сиёсий-ижтимоий омилни кўрсатиш мумкин . Мовароуннахр ва Хуросонда тарқоқ ,ўзаро низо ва уришлар натижасида турли вилоят, амирликларга бўлиниб кетган ва келгинди ҳукумронлар-мугунлар тамонидан айовсиз эзилган халкнинг мустамлакачиликдан, кутилиши, мамлакатда ягона бирлашган давлатнинг барпо этилиши, ўзбошимчаликлар каби иллатларнинг тугатилиши иштимой юксалишни таъминлади .

Иккинчи-иқтисодий омил –Мовароуннахр ва Хуросонда ягона идора тизимининг жорий этилиши иқтисодий осойишталик, ишлаб –чиқаришнинг жадал ривожланишига олиб келди. Бу соҳада қатор тадбирларнинг амалга

оширилиши мамлакатнинг маънавий –маданий тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этди .

Учинчи маънавий омил –аввалги маданий мерос, маънавий кадриятлар бойликлардан кенг фойдаланишни амалга оширишдан иборат бўлди. Мусулмон шарқи маънавий меросида кенг аҳамият касб этган қадимги юнон илмий – маънавий бойликларидан кенг фойдаланилди. Бу даврда Амир Темури давлатининг таъсирида бўлган ва бўлмаган бошқа мамлакатлар ўртасида маданий алоқалар тез ривожландики бойликларни ўзаро алмашишга кенг йўл очиб берди.

Тўртинчи ғоявий омил – бу маънавий омилнинг узвий давоми бўлсада, унинг муҳим роль ўйнаганлиги учун алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Марказий Осиёда Юсуф Ҳамадоний, Абду Холик Гиждувоний таълимотларини шаклланган нақшбандия таълимоти XIV-XV асрлардаги сиёсий –ижтимоий ижодлари билан уни ҳар томонлама бойитдилар.

XIV-XV асрларда маънавий-маданий ривожланиш ислом диний қарашларининг мустаҳкамланиб бориши билан узвий боглик бўлиб, ҳукмрон мафкура сифатида мадраса-ю, масжидларда кенг ўқитилиб, ўрганилиб, конун-қоида, одат, анъаналар эса шариат асосида олиб борилар эди. “Темури тузуклари”да дин арбобларига, шайх, саид, уламолар фаолиятига алоҳида ўрин ажратилиб, уларнинг давлат ишларидаги иштирокларимахсус ва бир неча марта кайд этилиб ўтилади. Марказий Осиёда XI-асрдан бошлаб тасаввуф таълимоти кенг тарқалиб халқ манавий ҳаётида катта рол ўйнади.

Нақишбандия тариқоти Юсуф Ҳамадоний, Гиждувоний ва XIV-асрга келиб Баҳовуддин Нақшбанд номи билан узвий боглик бўлиб, бу таълимот XV-асрда назарий ва амалий жиҳатдан янада ривож топиб, бу сарой аҳлига кўп ҳолларда темурийзодалар фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади.

“Тузуклар”да машойихлар, сўфилар худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар кўрдим ва охираат фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб кароматлар кўрдим – деб ёзади Амир Темури.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда кенг таркалаётган тасаввуф таълимотининг Сўфи, Порсо, Чархий, Махдуми Аъзам, Хожа Ахрор каби йирик вакиллар нақшбандия тариқатига оид қатор рисоалар яратиш билан бирга, жамиятнинг маънавий покланиши ва ривожланиши йўлида фаол хизмат қиладилар, таниқли арбоблар билан мулоқотда бўлиб, уларга таъсир ўтказадилар. Бу жиҳатдан, айниқса, Хожа Ахрор фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Навоий Жомий, Қосимий, Лутфий, Бобур каби шоирлар тасаввуфини тарғиб қилади.

Бу даврда тиббиёт илми ҳам ўзини йирик намоёндаларига эга эди. Самарқандга келиб ижод қилган табобат илмининг йирик вакилларида Бурхониддин Нафис, Ибн Аваз Ҳаким ал-Хирмоний, Султон Али табиб Хуросоний, табиб Ҳусайн Жаррох шулар жумласидандир. Бу даврда ахлоқ ва таълим – тарбия муаммоларига бағишланган махсус рисоалар пайдо бўладика, уларнинг орасида Ҳусайн Воис, Кашифий ва Жалолоддин Давонийларининг мероси алоҳида ўрин эгаллайди.

Темур ва темурий шайхзодалар давр тарихини ёзиб қолдиришди, Моварауннаҳр ва Хуросоннинг муғуллар зулмидан озод этилиши, тарихни ўрганиш ва ёритишга катта эътибор бердилар. Низомиддин Шомий, Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Хофиз Абру, Натанзе, Фосих, Ҳавофий, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар темурийлар даври таърифини ёзиб қолдирдиларки, улар ёзиб қолдирган асарлар ҳозирда биз учун ўша давр ҳодисаларини, маданий юксалишни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда¹.

Илм - фан ва адабиётнинг ривожига китобат санъати, янги қўлёзма асарларини кўчириб ёзиш, хаттотлик, мусаввирлик, лавҳа чизиш ижобий таъсир қилиб, Харвойй, Рафикий каби хаттотлар, мусаввирлар етишиб чиққан. Самарқанд ва Хиротда темурийларнинг сарой кутубхоналари ташкил этилди. Бу кутубхоналар ҳунармандчилик корхонаси ҳисобланган, уларда ўқлёмза асарларни тўплаш ва сақлаш ишлари бажарилган. XIV-XV асрлар Ўрта Осиё халқларининг мусиқа санъати тараққиётида ҳам янги босқич

бўлди. Янги куй ва қўшиқлар, чолғу – асбоблари ва мусика назариясига доир асарлар яратилди. Маҳоратли созандалар, бастакорлар ва хофизлар етишиб чиқди. Абдукодир Наий, Қул Муҳаммад Шайхий, Хусайн Удий, Шохқули Гижжакий, Аҳмад Қонуний, Юсуф Андижоний кабилар шулар жумласидандир.

Ўрта Осиё темур ва темурийлар даврида маданият ривожланди ва камол топди. XIV-XV асрлардаги Моварауннахр ва Хуросондаги маданий тараккиётнинг тamar тошини буюк соҳибқирон Амир Темур қўйган эди.

1.2. Тасвирий санъатда Амир Темур сиймоси

Тарихдан маълумки, қадимдан шоҳлар саройида махсус кишилар бўлиб, улар шу ҳукмдорнинг тахт сурган давридаги муҳим воқеа-ҳодисаларни бирма-бир қоғозга тушириб борганлар. Уларни солномачилар деб аташган. Амир Темур даврида ҳам сарой солномачилари Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари ва ўша даврга хос муҳим воқеаларни ёзиб боришган. Ҳазрат Соҳибқирон буйруғи билан битилган икки тарихий асар бор. Бири Ғиёсиддин Алининг "Рўзномаи ғазовати Ҳиндистон" асари бўлса, иккинчиси Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асаридир.

Аmmo Амир Темур ҳазратлари ўз суратини чизишни рассомларга таъқиқлаган. Соҳибқирон ислом шариатига қатъий амал қилувчи, дину диёнатли инсон эди. "Аллоҳни ёки инсонни тасвирлашдан ўзингизни асранг, дарахтлар, гуллар ва жонсиз нарсаларни чизингиз" дейилган, ҳадиси шарифни яхши билгани учун мусаввирларга ўзини тасвирлашга изн бермаган. Ҳолбуки, XIV аср охирларига келиб, Академик Г.А.Пугаченкованинг ёзишича, Мовароуннахрда тасвирий санъатнинг рангтасвир тури шаклланиб, унинг маркази Самарқанд бўлган эди. Буюк жаҳонгир забт этилган мамлакатлардан олиб келган олиму фузалолар, моҳир усталар, хаттотлар қаторида мусаввирлар ҳам бўлган. Бағдодлик рассом Абдулҳайё Амир Темур буйруғи билан устахона бошлиғи этиб тайинланган.

Академик Г.А.Пугаченкованинг "Среднеазиатские миниатюры" ("Ўрта Осиё миниатюралари") асарида 17 та миниатюра илова қилинган. Улардан иккитаси 1628 йилда Самарқандда кўчирилган Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асаридан олинган, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тасвирдир. Миниатюралардан бири "Темур ва Тўхтамиш аскарлари ўртасидаги жанг" деб аталади. Унда Амир Темур жангни кузатаётган ҳолатда тасвирланган.

Абдуллоҳ Хотифийнинг 1568 йилда ёзилган "Темурнома" асари "Темур қабулида" миниатюраси билан зийнатланган. Соҳибқирон кошнлар билан безатилган айвондаги тахтда ўтирибди. Вақт ўтиши билан Соҳибқирон юзи тасвири ўчиб кетган, бироқ узок ўтмишда яшаб ўтган бобокалонимиз сурати аниқ чизилгани эҳтимолдан йироқ. Атрофда гулзор, дарахтлар қийғос гуллаган, гиламда меҳмонлар ўтиришибди, мусиқа асбобларидан ёқимли оҳанглар таралмоқда. Хизматкорлар шароб ва таомлар келтиришмоқда.

"Зафарнома" асарининг турли йилларда кўчирилган нусхаларида ҳам миниатюранинг турли мактабларига оид тасвирий санъат асарлари учрайди. "Амир Темур Мовароуннаҳр тахтида" ва "Балхда қабул маросими" кабилар ана шулар жумласидан. Улардан бири 1436 йилда Шерозда, иккинчиси 1467-1468 йилларда Ҳиротда ишланган.

Ҳозир Балтимордаги Жон Гаррит кутубхонасида "Амир Темур шаҳзодаларни қабул қилмоқда" номли миниатюра сақланмоқда. 22x15 сантиметр ўлчамли бу асар олтин суви юритилган қоғозга сиёҳ билан чизилган. Унда Амир Темур нақшли тахтда ўтирибди. Шаҳзодаларнинг кўлларида турли совға-саломлар. Унда қилич-қалқон, камон, ўқ-ёйлар билан безатилган от ҳам тасвирланган. Маросим боғда, гуллаган дарахтлар, гуллар, кўм-кўк ўтлар оғушида ўтказилмоқда. "Амир Темур кўшинлари Смурна қалъасини забт этмоқда" асари эса Балтимордаги Жон Хопкинс университетига тегишли. У юқорида тилга олинган миниатюрадан бироз кичик. Унда 1402 йилдаги жанг тасвирланган. Бош кўмондон Амир Темур от

устида жангга раҳбарлик қилмоқда. Унинг лашкарлари камон, найза, қиличлар билан қуролланган.

Ҳазрат Соҳибқирон сиймосини яратиш Ғарбий Европа тасвирий санъатида ҳам кўзга ташланади. Миниатюралардан фарқли ўлароқ Ғарб мусаввирлари ўз асарларида мойбўёқдан фойдаланишган.

Тарих фанлари номзоди Д.Қурбонованинг гувоҳлик беришича, Париждаги миллий кутубхонада Амир Темур тасвири туширилган тўртта сурат бор. Италиян рассоми мўйқаламига мансуб биринчи суратда Соҳибқирон флоренциялик олижаноб дворян кўринишида тасвирланган. Немис мусаввири улуғ зотни герман императори қиёфасида чизган. Учинчисида англиз лорди, француз рассоми асарида эса Франция қироли Карл VI га ўхшайди.

Амир Темурдек оламшумул тарихий шахс голланд рассоми Рембрандт Хармес ван Рейн ижодидан ҳам четда қолмаган. Буюк мусаввир кўплаб автопортрет ва портретлар туркумини яратган эди. У Бобурийлар даври ҳинд миниатюраларидан фойдаланиб, Амир Темурни Умаршайх Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, унинг фарзанди Ҳумоюн ва невараси Акбар даврасида чизган. Рембрандт бу асарини тасвирий санъатнинг графика усулида яратган. Шундай бўлса-да, унинг ҳазрат Соҳибқиронга бағишлаб чизган сурати тарихий ва бадиий ноёб тасвир ҳисобланади.

Украинада яшаган поляк мусаввири Станислав Хлебовский томонидан 1878 йилда яратилган асар "Боязид Амир Темур тутқунлигида" деб номланган. Тарихдан маълумки, усмоний турклар ҳукмдори Йилдирим Боязид 1402 йил 20 июлда Анқара ёнида Амир Темур билан бўлган жангда енгилиб, асир тушади. Картинада Боязид зиндонда алоҳида хужрада худди қафасда яшаётгандек ҳолатда ўтирибди. Уни кўришга Амир Темур келмоқда. Боязиднинг қафасда тасвирланиши, албатта, тарихий ҳақиқатга зиддир. Амир Темур бобомиз маҳбусни қафасга солмаган, аксинча, унга илтифот кўрсатиб, шоҳга муносиб муомалада бўлган. Турк султонининг асир олинган ўғлини озод қилган. Боязид вафот этганида қайғуриб, уни ҳурмат-иззат кўрсатиб,

дафн этишни буюрган. Француз олими ва адиби Люсьен Кэреннинг фикрича, душманлар бу билан атайлаб Амир Темур хақида салбий фикрлар туғдиришга ҳаракат қилишган. Бунга ишонган айрим тарихчи ва адиблар, шунингдек, рассомлар буюк Соҳибқиронни қора бўёқларда тасвирлашган.

Тарих фанлари доктори Убайдулла Уватов томонидан арабчадан ўзбек тилига таржима қилиниб, 1992 йилда нашр этилган ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихи" асарининг биринчи жилди дастлабки саҳифасида Темур бобомизнинг сурати берилган. "Ҳиндистон тарихи" асаридан олинган бу суратни рассом И.Мородан чизган. Суратда ҳазрат Соҳибқирон юз-кўзи кўпроқ ҳинд рожаларига ўхшаб кетади. Кийим-кечаклари ҳам ҳиндларга хос тасвирланган. Узун, чўзинчоқ қора соқол қўйган.

Биламизки, 1941 йил июнида Темур ва темурийлар қабрлари очилган. Собиқ иттифоқ Фанлар Академияси моддий маданият институти илмий ходими, антрополог М.М.Герасимов Амир Темурнинг бош суягини ўрганиб, буюк аجدодимиз қиёфаси акс этган бюстини яратади. Унда Соҳибқирон ҳазратларининг юз-кўзи кўрқинчли, салкам ёввойи қиёфада тасвирлаган эди. Ҳолбуки, Амир Темур қай суратда бўлгани тарихий асарларда баён қилинган. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асаридан қуйидаги иқтибосни келтирамиз: "Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди, пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор, кучи жасурлигидан қолишмасди, оч қизил ранг жонлантириб турарди, елкалари кенг, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди, узун соқол қўйиб юрарди". Соҳибқиронни хушламаган, буни "Амир Темур тарихи" асарида очиқ баён этган араб муаррихи ибн Арабшоҳ эса шундай таърифлаган: "Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё у қадимий паҳлавонлар авлодидан бўлиб, кенг пешонали, катта бошли, ғоятда кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин доғсиз, буғдойранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пойчалари семиз, қадди-қомати камолга етган, серсоқол... эди". Кўриниб турибдики, икки муаррихнинг таъриф-тавсифи бир-биридан деярли фарқ қилмайди.

М.М.Герасимов Амир Темур сиймосини ҳақиқатдан йироқ, советлар сиёсати, унинг империячилик, ўз таркибидаги бошқа республикалар халқларига беписанд муносабатда бўлишига асосланган мафкураси талабларидан келиб чиқиб тасвирлагани очиқ-ойдин кўриниб турарди. У бу масалада анча эътироз эшитгани ҳам ҳақиқат. Замондошларининг сақланиб қолган гувоҳликларига қараганда, Герасимов "Амир Темурнинг биринчи марта тақдим этилган сиймосини олий раҳбарлик тасдиқламади, Темур ўзбек, Чингизхон авлоди эканидан келиб чиқиб қайта ишлашимни тавсия қилишди, уни мўғул қиёфасида тасвирлашга мажбур бўлдим", деб бир неча марта айтган.

Мустабид тузум даврида Амир Темур шахсига нисбатан қилинган ноҳақлик ва бўҳтон мамлакатимиз мустақил давлатга айланиб, дунё ҳамжамияти қаторидан муносиб жой олгач, барҳам топди. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида тарихий фармон қабул қилди. 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Бу хушхабар хур диёримиз шоиру ёзувчилари, драматурглари, барча ижод аҳлига илҳом бағишлади. Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги, Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Малик Набиев ҳазрат Соҳибқирон сиймосини яратишни умр бўйи орзу қилиб келганди. Таниқли мусаввир аввало Амир Темурнинг ташқи қиёфаси баён этилган Шарафиддин Али Яздий ва ибн Арабшоҳ асарларига мурожаат қилди. Бундан ташқари, буюк зот мансуб бўлган барлос қавми одамларига хос юз-кўз тузилиши, миниатюра асарларида акс эттирилган темурийлар суратларини ўрганиб чиқди. Ҳозир сизу биз ўқув юртларию идораларда, музейларда, бошқа муассасаларда ҳар куни кўриб турадиган Амир Темур портрети машҳур мусаввир Малик Набиев мўйқалами билан ишланган. Унда самимият ва меҳр тўла нигоҳ, ақл-заковат ва донолик уфуриб турган миллатимизга хос қиёфа яратилган.

Ҳазрат Соҳибқироннинг Тошкентда от устида, Самарқандда тахтда ҳамда Шаҳрисабзда куч-ғайрат ва юксак орзуларга тўла йигитлик даври акс

этган муаззам ҳайкаллари Ўзбекистон Бадиий Академияси академиги, Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Илҳом Жабборов томонидан яратилган.

1996 йил 18 октябрда Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланиши муносабати билан пойтахтимиз Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейи очилди. Музейда мамлакатимиз ва хорижий давлатлар рассомлари томонидан чизилган Амир Темур ҳаётининг турли лавҳаларини акс эттирувчи тасвирий санъат асарлари ҳам намоиш этилмоқда.

Амир Темур ҳазратлари сиймоси чиннида ҳам акс эттирилган. Чиннисозлик, ҳайкалтарошлик ва рангтасвир бир-бири билан омикта, уйғун ҳолда ишлангани учун ажойиб асарлар вужудга келган. Темурийлар тарихи давлат музейида улуғ саркарда Амир Темур иштирокидаги жанг манзараси кўй терисида тасвирланган картина ҳам бор. Уни рассом Ф.Раҳматуллев моҳирона ишлаган. Рассом-ўймакор З.Ҳайдаров эса буюк аجدодимиз суратини тут ёғочига ўйиб тасвирлаган.

Мамлакатимиз ва чет эл тасвирий санъат намояндалари томонидан яратилган ранг-баранг асарлар улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга юксак ҳурмат-эҳтиром ифодаси ҳамда темуршуносликка қўшилган муносиб ҳиссадир. Бу соҳадаги ижодий изланишлар бардавом бўлиши шак-шубҳасиздир.

II БОБ. "АМИР ТЕМУР АНҚАРА ЖАНГИ МАВЗУСИ" ГА ДАСТГОҲЛИ ГРАФИКА ТУРКУМ КОМПОЗИЦИЯЛАР

2.1. Амир Темур ва Йилдирим Боязид орасидаги мактублашув

Амир Темурнинг Йилдирим Боязидга ёзган илк мактуби:

Эй Рум эли диёрининг подшоҳи, Йилдирим Боязид!

Аввало, шуни ўқиб олки, биз ўз куч-қудрати ва иқтидори ила инсониятнинг катта бир қисмини ўзимизга тобеъ қилган ҳукмдорлармиз. Бундай мисли кўрилмаган ишни ўз жидду-жаҳдимиз билан қилдик, сен каби иқтидорни (ҳокимиятни) ота-боболаримиздан мерос қилиб олмадик. Яхшиликча, Қора Юсуф билан Аҳмад Жалойирни юртингдан сургун қилиб, чиқариб юбор. Бизга ва буйруқларимизга бўйсунмаган ҳукмдорларнинг оқибатлари ҳақида эшитган бўлсанг керак. Сенга ҳам уларнинг бошига келган мусибатлар келишидан эҳтиёт бўл!

Йилдирим Боязиднинг Амир Темурга илк жавоби:

Эй қари кўшпак! Сен золим кофирларнинг энг ашаддийсисан. Мактубингда бизни кўрқитиб, ҳийла билан чув туширмоқчи бўлибсан. Усмонли султонларини ажамларнинг подшоҳларига ўхшата кўрма. Усмонли аскарлари Қипчоқ ўлкасидаги татарлар каби нимжон, ҳиндлар каби бўшанг, аҳмоқ ва ялқов эмасдирлар. Усмонли аскарлари Ироқ ва Хуросон аскарларига ўхшаган ҳамиятсиз ва паришон эмас, балки ниҳоятда ғурурли аскардирлар. Шунингдек, сен Усмонли аскарларини Шом ва Ҳалаб (Мамлук) аскарларига ҳам ўхшатма...

Бу мактуб кўлингга етиб борганидан кейин, кимда ким жанг майдонида келмай ортга чекинса, унинг хотини уч талоқ бўлғай!

Амир Темурнинг Йилдирим Боязидга ёзган иккинчи мактуби:

Сен ўзингни Аллоҳ йўлидаги мужоҳид, бизларни эса ноҳақдан қон тўқувчи кофир ҳамда мени мункиллаб қолган бир жангчи деб ўйлайсан, чоғи?! Билки, мен ўтган умримнинг қирқ йилини Худо учун жиҳод қилишга сарфлаган одамман. Фаолиятим давомида қанчадан-қанча қалъалар ва

Ўлкаларни фатҳ қилиб, ер юзини чиркинлик ва ифлосликлардан тозалаш билан машғулман. Аммо шу онда ўтган кунларимдан кўра янада қатъиятли, янада жиддийроқман. Олиб борилган курашлар асносида қанчадан қанчасини итоат қилдирганмиз, кўпчилик бу йўлда биз учун жонларини фидо қилдилар. Шундай экан, нега сизлар бизга итоат қилишдан, бўйсунушдан бош тортмоқдасиз? Устига-устак менинг ёшим сеникидан кўра улўроқ.

Бугунга қадар қаерга юриш қилмайин, жуда ҳам қисқа муддатда ўша ерни кўлга олганман. Сивасни ҳам қисқа муддатда босиб олдим. Сен эса Малатияни қуршаб олдинг, тўрт ойлаб қамал қилдинг ва лекин барибир босиб ололмасдан чекинишга мажбур бўлдинг. Айни дамда ҳам Синоп қалъасига ҳужум қилиб, ҳамон босиб ололмаёпсан.

Илк мактубингдаги каби таҳдид ва ғурурга берилма, ақл олмас сўзларни ишлатишга жасорат қила кўрма. Ваҳоланки, Сивасда асир олган одамларинг орқали ҳозирги аҳволингдан хабардорман. Қолаверса, мусулмон мусулмонни ранжитиши, хон ва молларини хароб қилиши жоиз бўлмаган ишдир. Шундай экан, тўғри жавоб ёзишни фазилат билиб, ўзингни ва халқингни хароб бўлишдан қутқариб қол.

Биз билан сулҳ тузиб, маъзурингни ифода қилган жавоб мактуби ёзсанг, сен билан орамизда дўсту биродарлик ришталари боғланади. Натижада кофир Франкка қулай фурсат бермаган бўласан, биз ҳам Сивасни тарк этиб, орқага қайтамиз. Бизнинг ниятимиз сизларни кучсиз ҳолга солиб, ўзингиз билан ўзингизни овора қилиб, кофирнинг динига ёрдам бериш эмас! Бизни ҳам, аскарларимизни ҳам кофир, динсиз, бузук эътиқодли мазҳаб эгалари ва хунук одатли инсонлар деб хомтама бўлма! Аскарларимизнинг ота-боболари мусулмон бўлишган, улар мусулмонларнинг фарзандларидир. Қандай қилиб улар ҳидоятда бўлмасликлари мумкин? Қолаверса, Усмонли аскарларининг аксари кофирлардан ташкил топгани ҳеч кимга сир эмас.

Олий мақсадимиз: Жаҳонни фатҳ қилишдир. Салтанатимиз номига хутбалар ўқилиб, тангалар босилаётир. Мусулмонларнинг энг буюклари – Улул-Амр эканлигимизга заррача шак-шубҳа йўқдир! Бизнинг насл-

насабимиз Эл Хони Оли шаънга (эл хонларининг шонли оиласи) бориб тақалади. Агар самимий саломингиз ва гўзал ифодалар акс этган мактуб юборсангиз ҳар икки томонда ҳам бироз илиқлик ва ҳурмат пайдо бўлади. Акс ҳолда, қаламлар ўз ишини қиличга топширади. Вассалом!

Йилдирим Боязиднинг Амир Темурнинг иккинчи мактубига жавоби:

Замонасининг жаҳон султони – Темур Кўрагоний!

Сивасга келиб ерлашишингни, бизнинг Табризга қараб йўналганимизга солиштириб, беўхшов қиёслаш қилибсан. Ваҳоланки, биз Кефедан Ширвонга бориб, у ўлкани босиб олсак, ким бизга қаршилиқ кўрсата оларди? Қипчоқ халқи сиздан безигани учун биз билан истиқомат қилишни маъқул кўришмоқда.

Малатия ва Синоп борасидаги иддаоларингиз ҳам нотўғри. Уруш баъзи сабаблар юзасидан тўхтатилди, бизнинг аскарларимиз озлиги, сизнинг аскарларингиз кўплиги сабабли енгилганимиз йўқ. Кастамон ва Караман ҳокимларининг хиёнатлари ва ўша вақтда фурсатдан фойдаланиб, баъзи вилоятларимизга ҳужум уюштиришлари, бизнинг Малатия ва Синопдаги камалимизни кечиктириб қўйди.

Шуни яхши билки, отам Эртуғрул Хон уч юзга яқин аскари билан Ҳулагу Татарларининг ўн мингини ер тишлатган ва Олоуддин Кайкубоднинг устидан ғолиб бўлган. Шундан кейин давлатни бошқариш шарафига ноил бўлган, қироллик ҳирқасини кийган. Аллоҳнинг лутфи ила Салжуқийлар оиласи ўрнига идорани ўзига олиши ҳеч қандай исён ёки тўнтаришлар билан юзага келмаган.

Усмон Бей тахтга ўтириши биланок, ер юзининг тўрт бурчагидаги кофирларга қарши кеча-кундуз икки юз мингдан ортиқ аскари билан жанг қилган.

Бугун салтанатимизнинг юлдузининг тўртинчи ҳалқаси юртни бошқарилмоқда. Шу кунгача биз фатҳ қилган қалъа ва шаҳарларнинг адади биздан олдин ўтган султонларнинг хаёлларига ҳам кирмаган. Бизнинг назаримизда, дунё ва ундаги неъматлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш олдида

сомон чўпичалик қадрсиздир. Усмонлилар аскарига Абдуллоҳ ўғли (яъни, мусулмонзода) деб хитоб қилишдан ғурурланамиз. Чунки бутун саҳобайи киромнинг оталари кофир бўлсалар-да ўзлари мусулмон бўлдилар. Бундай мусулмонлар инсофсиз мусулмонзодалардан минг чандон устундирлар.

Сизга Сивасга ҳароб қилиб, аҳли Ислоннинг иззат-обрўсини поймол этганингиздан сўнг нима ҳам дейиш мумкин? Сиз ўз айбларингизни ёпишга уринмоқдасиз. Араб ва форс тилларида келган мактубларингизда аччиқ пўписа, кўполлик, кибр ва ғурурдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Усмонлилар оиласи ҳийла билан ўлкаларни ўзлариники қилиб олмаганлар.

Мактубларимиз олий ақлли давлат арконларимиз билан маслаҳатлашилган ҳолда битилди.

Амир Темурнинг Йилдирим Боязидга ёзган учинчи мактуби:

Хабарларни Сунгур Човуш ва Ҳожи Боязид орқали йўллаганимиз рост.

Сизларнинг кофирлар билан жанг олиб бораётганингиздан хабардоримиз. Биз ҳам бу томонда Гуржи кофирлари билан жанг қилмоқдамиз. Албатта бу ҳолатдан сиз ҳам, биз ҳам бахтиёримиз. Бу икки тараф учун ҳам жуда манфаатлидир. Ёзганларимизда зарра қадар шак-шубҳа йўқ.

Агар сулҳ тузишга эришилса, Миср билан орамизни тузатишга оид шартингиз рад қилинади. Чунки эски Миср волийси элчиларимиздан Ироқ ва Ажамлар наздида жуда ҳам ҳурматли саналган Баҳоуддин Совжини ноҳақдан ўлдирди. Шунингдек, узоқ вақтдан буён зиндонда ушлаб турилган Кўнгилтошнинг озодлигини сўраганимда буйруғимга итоат этмасдан, шўри курғур бегуноҳни ҳам ноҳақдан қатл этди. Биз Шом ва Ҳалабга келганимизда Мисрда “Ҳожи” номли элчилари келиб зиндондаги Ўтламишни Ҳалабга жўнатайлик, дедилар. Энди сенинг “Миср волийси бўлган кимса бизнинг ўғлимиздир” дейишингни ҳам муносиб кўрмадик. Уни “Султонул-Ҳарамайн” (икки муқаддас ер султони) лақаби билан номлашинг ҳам тўғри эмас! У “Мужавирул-Ҳарамайн” (икки муқаддас ернинг қўшниси) дейишингга ҳам лойиқ эмас, аслида.

Душманларимизни ўзингизга яқин ва дўстларингиз қаторида санамангиз! Салтанат ишлари жиддийликни, қатъиятликни талаб қилади. Жуда ҳам аҳамият берилиши керак бўлган жиҳатлари бисёр. Аҳмад Жалойир ҳозир Бағдод яқинида экан, биз ҳам у ерга аскарларимизни жўнатдик. Агар у яна сиз томонга қочиб келса, уни ҳимоя қилиб ёнини олмангиз, билъакс, тутиб бизга таслим қилишингизни талаб қиламиз. Айни дамда Эрзинжонга бориб, ерини кўкка совуриш учун сарҳадда туриб, элчиларингизнинг келишини кутмоқдамиз.

Йилдирим Боязиднинг Амир Темурнинг учинчи мактубига жавоби:

Миср ҳокими билан орангизда бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги фикрларимизни тўғри тушунмабсизлар. Биз истасак, Мисрни хоҳлаган пайтимиз фатҳ этишга қодирмиз. Аҳмад Жалойир яна Усмонлиларнинг тупроқларига қайтса, Қора Юсуф билан бирга иккисини сизларга таслим қилишимизни сўрабсиз. Маълумингизким, Ҳулагу “Дорус салом”ни олиб, Эроннинг катта ҳудудини босиб олган вақтда халифанинг амакиси болаларидан бир-иккиси Мисрга, Қоҳира волийси Байбарсдан ёрдам сўраб бориб, унинг ҳимоясига кирдилар. Ҳулағунинг Боғдод волийси Қорабоға Нўён Байбарс билан жанг қилди. Халифанинг амакисини Миср аскарари деб ўйлаб, уни ўша ерда қатл қилишди. Қочиб қутулиб қолганлар эса ҳозиргача Қоҳирада жон сақлашяпти, Ҳулагу Хон эса уларни қайтариб олмади, ортидан ҳам таъқиб қилмади. Энди эса бу дўстингизни (яъни мени) таъзирини еган бир-икки кишини ҳимоямга олганим учун айблашингиз тўғри бўлмайди. Зеро, Ҳулагу бу каби жузъий майда ишлардан воз кечган эди.

Сиздан истагимиз: Сивас ва унинг ҳудудларини тарк этишингиздир. Агар шундай қилсангиз, сизларнинг бизга нисбатан ҳеч қандай хусуматингиз йўқлигини намоён қилган бўласиз. Лекин ҳар қандай ҳолатда Аллоҳнинг тақдиридан қочиб бўлмайди, нима бўлганда ҳам бизнинг ҳеч кимдан кўрқадиган жойимиз йўқ!

Амир Темурнинг Йилдирим Боязидга ёзган тўртинчи мактуби:

Шу онгача сулҳ қилишга уриндим ва ниҳоят, Сивасга келишга мажбур бўлдим. Кофирларнинг тегирмонига сув қуймаслик, Ислом диёрларини хароб қилишдан андиша қилиб, Шом тарафга кетаётиб, Миср азизидан интиқомимизни олиб қайтдик.

Сизнинг хаста эканлигингиз хусусидаги гап-сўзларни эшитсак-да, буни ўзимизга қулай фурсат деб билиб, фойдаланиб қолмадик ва бунга парво ҳам қилмадик. Аммо сизлар фурсатдан фойдаланиб, бизга тегишли бўлган Эрзинжонга келиб, волийимизни ранжитдингиз. Бизнинг волийимиз бўлган Таҳартан (Муттаҳартан) орамизда сулҳ тузилишидан умид қилиб, сизларнинг бундай қилганингиз учун пушаймон бўлганингизни бизга хат орқали баён қилди. Биз ҳам унга ишондик ва сулҳ учун келишувга рози бўлишингизни ўйлаб, бир неча марта мактуб ёзиб жўнатдик. Аммо борган сари сиз ўз фикр доирангизда собит қолмоқдасиз.

Сизларнинг бизга ва аскарларимизга нисбатан кофир ва кофирдан ҳам ашаддий кофирлар деган гапингиз ҳар ерда овоза бўлди. Элчиларингиз Сунгур ва Аҳмад узоқ вақтдан бери бизнинг ёнимиздадирлар. Муслмонлигимизни ва эътиқодимизни биладилар. Мақсадимиз Кефе ва Қримга йўналиш экан, Ширвонга қайтиб келиб яна Эрзинжондан у томонга боришга мажбур бўлдик. Самарқандда қолган ўғлим Муъниддин Муҳаммад ва Султон Баҳодир ҳам лашкарлари билан бизга қўшиладилар. Истагимиз Эрзинжонга бормасимиздан ва аскарларимиз шахрингизга кирмасларидан олдин Сивас, Малатия, Элбистон, Эрзинжон ва Кемаҳнинг бизга таслим этилганлиги борасида ишончли бир аҳднома юборишингиздир.

Мен сулҳга қарши эмасман, балки сулҳ бўлишини кўпроқ мен истайман. Бу келишувнинг бир нусхаси Маккаи мукаррамадаги Бобул Ҳаромда ёпиқ бир жойда сақлансинки, кейин кимнинг бу келишувга қарши ёки қарши эмаслиги маълум бўлади. Ушбу мактуб Сунгур, Аҳмад ва Ҳожи Боязид орқали юборилди.

Йилдирим Боязиднинг Амир Темурнинг тўртинчи мактубига жавоб мактуби:

Темур Кўрагоний ҳазратлари! Аҳднома ҳақида юборган мактубингиз мен Сивасга етиб келгандан кейин кўлимга келиб тушди. Мен шу пайтда келишув ҳозирлигини кўраётган эдим ҳамки, ногаҳон келишувга қарши бир мактуб Қорамон кўзғолончилари кўлидан қирол кўшини кўлига етиб борди ва келишувнинг кечикишига сабаб бўлди. Давлатимиз арбобларининг келишувлари асосида шу қарорга келинди.

Иккинчи мактуб эса тартибсиз вазиятда ёзилиб, элчи орқали жўнатилды. Қорамон жамоати эскидан бизнинг сулоламизга нисбатан душмандир, улар элчимизни ўлдириб, фитна яхшигина кучайғунига қадар биздан хатни беркитишди. Вазиятлар яна изига тушиб кетиши эҳтимоли борлигини сезиб, бу сафар баъзи разил кимсаларни жўнатиб, бизни шубҳага тушириб кўйишди. Мазкур кимсаларнинг кўлига тушиб қолиб, кечикиб борган хатимизнинг сабабини билдингиз.

Бу ҳолатни тилёғламалик деб ўйласангиз – йўқ! Бизнинг асло душманимиздан юз ўгирадиган одатимиз йўқдир. Сулҳ ва жангнинг жазоси ҳам, мукофоти ҳам бунга сабаб бўлган томонга оиддир. Агар ким бир фитнага сабаб бўлса, Аллоҳ таоло унинг жазосини берсин!

2.2. Амир Темур Анқара жанги тарихи

Амир Темур ва усмонли турк султони Боязид I Йилдирим кўшинлари ўртасида Анқара ёнида бўлиб ўтган улкан жанг (1402 й. 20 июль). Унда Амир Темурнинг тахм. 200 минг, Туркия султонининг 160 минг аскарлари қатнашган. Ушбу жангнинг содир бўлишига асосан куйидаги омиллар сабаб бўлган: Ироқ, Шом, Дашти Қипчоқ, Хуросон, Ҳиндистон, Жета сингари мамлакатларни ўзига итоат эттиришга муваффақ бўлган Амир Темур ўз салтанатининг жан.-ғарбий ҳудудларига яқин жойлашган Болқон я. о. ва Кичик Осиёда барпо этилган қудратли Усмонлилар давлатининг кучайиб кетаётганлигидан хавотирда эди, чунки Ғарбий Европа рицарларидан ташкил топган катта армияни тор-мор этган, Болқон давлатларини эгаллаган усмоний

турклар Амир Темурга тааллуқли вилоятларга ҳам тахдид солабошлаган эди. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур ўз қўшини билан Шарқий Анadolу сарҳадларига 1386 й. қадам қўйган ва Арзинжон шимоли яқинида туркларнинг катта ҳарбий кучларини мағлуб этган. 1395 й. Соҳибқирон бу ўл кал ар га иккинчи бор юриш қилади, Сивосни қўлга киритади.

Амир Темур Анқара жанубига қарийб икки йилдан ортиқ тайёрланади: 1399 и. Румга юзланади ва Боязид томонидан фатҳ қилинган Камоҳ қалъасини қамал қилади. Камоҳ фатҳ этилгач, кўп фурсат ўтмай Амир Темур Анқарани қамал қилади. Соҳибқироннинг бу ҳаракати аслида тактик тадбир бўлиб, тажрибали саркарданинг асосий мақсади Боязидни асосий кучларини шаҳар мудо-фаасига ташлашга мажбур этиб, сўнг унга қақшатқич зарба бериш эди. Тўқат ш. ёнида асосий ҳарбий кучлари б-н турган Боязид I Соҳибқирон аскарларининг Анқарани муҳосара қилганлигидан хабар топади ва қамалдагиларга кўмак беришга ошиқади. Амир Темур Анқара қамалини бекор қилади ва рақибини кутиб олиш тараддудини кўради. Қўшин қисмларини жанггоҳнинг (Чибукобод деган ерда) қулай ерларига жойлаштиради. Лашкаргоҳ атрофида хандақлар қазилиб, хавфсизлик чоралари кўрилади. Натижада Боязид I қўшини ўзи учун ўта ноқулай шарт-шароитда жангга киришга мажбур бўлади. Султон қўшини айниқса, сув танқислиги туфайли вужудга келган ташналиқдан қаттиқ азоб чекади. Соҳибқирон қўшини ўзининг анъанавий жанговар тартиби — ясолда ҳаракат қилади. Қўшиннинг қирқ қисмдан ташкил топган маркази — қўлига Амир Темур бевосита раҳбарлик қилади. Сўл қўл — жуванғарга Шохрух мирзо ва Халил Султон мирзо, жуванғар ҳиравули — илғорига Султон Хусайн мирзо, ўнг қўл — баранғарга Мироншоҳ мирзо, баранғар ҳиравулига Абу Бақр мирзо етакчилик қилади. Марказ — қўлнинг ўнг тарафида Умаршайх мирзонинг ўғли Аҳмад мирзо, Тоштемир ўғлон, Шохсувор сингари саркардалар жойлашади. Қўлнинг чап томонидан Жалол Ислон, Таваккал қарқара, Али Муҳаммад каби баҳодирлар ўрин олади. Қўшиннинг саф-лари олдида 30 та жанговар фил муҳо-рабага шай қилинган эди. Қарши тараф-да

Боязид I Рум ва Фаранг мамлакатларидан жамланган черикига тартиб бериб, жангга ҳозир бўлиб турди. Қўшиннинг ўнг қаноти — баранғарда серб князи Стефан (Боязид I нинг қайниси) 20 минг кишилиқ фарангликлар б-н, чап қаноти — жуванғарда эса Мусулмон (Сулаймон) Ч&пабий (Боязид I нинг ўғли) Рум лашкари б-н саф тартиб турди. Султон Боязид I нинг ўзи қўшин марказида қолиб, уч ўғли Мусо, Исо ва Мустафоларни чағдавул (қўшин орти)га қўйди. Жанг Мироншоҳ мирзо қўл остидаги баранғарнинг душман жуванғарига қилган шиддатли ҳужуми билан бошланди.

Боязид I қисми амир Жаҳоншоҳ ва амир Қора Усмон раҳбарлигидаги қис-млар томонидан қилинган ҳужумга бардош бера олмай жанг майдонини ташлаб қочади. Боязид I қўшини сафларида пайдо бўлган саросималикни пайқаган Амир Темур барча амирзодалар, умаролар, нўёнларнинг биргаликда душманга ҳужум қилишларига ҳукм қилади. Шиддатли тўқнашув узоқ ва кескин давом этади. Ниҳоят, Соҳибқирон кучларининг қисувига бардоши қолмаган султон аскарлари чекина бошлайди. Боязид I қўмондонлигидаги жангчилар сўнгги дамгача қаршилик кўрсатадилар. Яничарлар битта қолмай кириб ташлангандан сўнг Боязид I ва унинг иккинчи ўғли Мусони Амир Темур томонидан 1388 й. Чиғатой улуси хонлигига кўтарилган Султон Маҳмудхон ибн Суюрғатмишхон асир олади. Соҳибқирон Боязид I қўшинларининг қолган-қутган қисмини таъқиб этиб, Бурса, Измирни эгаллайди ва Мармар денгизи соҳилларига чиқади.

Амир Темур томонидан Боязид I қўшинининг тор-мор этилиши Усмонли турк салтанатининг маълум муддатга заифлашишига сабаб бўлди. Константинополнинг турклар тасарруфига киришини ҳамда уларнинг Марказий ва Ғарбий Европага қилмоқчи бўлган юришларини бирмунча фурсатга орқага сурди.

2.3. Ўқилган адабиётлар асосида яратилган эскиз, композициялар таҳлили

Композитция (лот.*compositio* — тузилиш, бирлашиш, боғланиш) — бадиий асарнинг мазмунан, характери ва мақсади жиҳатидан боғланган қисмларининг жойлашиши.

Тасвирий санъатда—рассом (ҳайкалтарош ва бошқа) ғоясини аниқ ифода этиш воситаси бўлиб, унда ижодкорнинг маҳорати ёрқин намоён бўлади. Композитция орқали муаллиф чизик, шакл, ранг ва образларни тартибга келтиради, фазовий кенгликни ўзлаштиради ва бадиий муҳит яратади. Композитция асосини мантиқийлик, шакл аниқлиги ва уларнинг ўзаро уйғунлиги ташқил қилади. Ижодкор яратган ҳар бир асарининг асосида композитция ётади, унда борлиқни идрок этиш жараёнида ҳосил бўладиган фикр, ҳис-туйғулар ўз аксини топади. Композитциянинг "турғун" ва "динамик", "очиқ" ва "ёпиқ" хиллари мавжуд. Композитция тузиш маълум "қонун" (канон)лар билан белгиланган ва чегараланган. Бу эса композитция ифода воситаларининг торайишига олиб келган. Уйғониш даврида "турғун" ва "ёпиқ" композитция, барокко санъатида "динамик" ва "очиқ" композитция устуворлик қилган. Санъат тарихида қонунларга бўйсуниб яратилган композитциялар ва эркин композитцион усулларга асосланиб композитция яратиш ҳаракатлари бирдай муҳим рол ўйнаган. Уйғониш даврида композитцияни илмий асослашга интилиш кузатилади.

Тасвирий санъатнинг ҳар бир тури ўзига хос композитцион услубларга эга. Масалан, китоб графикаси беағи (расм) маҳобатли деворий рассомлик композитциясидан фарқ қилади. Айнан шу каби жиҳатларни кўрсатиш учун эскизлар асосида композитция яратилди.

Бевосита малакавий битирув иши мавзусига тўхталадиган бўлсак, ўқилган адабиётларга асосланган ҳолда эскиз, композициялар яратилди.

"Амир Темурнинг Анқара жанги тарихи" малакавий битирув иши триптих кўринишида яратилди.

Триптихнинг марказидаги картинада (3-4 расмлар) ўнг томонда Амир Темур ҳамда чап томонда Йилдирим Боязиднинг бир-бирига қарама-қарши турган юз қиёфаси гавдалантирилди. Уларнинг тепа қисми ўртасида бургут акс эттирилган. Бургут рамзий маънода буюклик рамзи ҳисобланади. Амир Темур ва Йилдирим Боязид ҳам ўз даврининг буюк шахслари саналган. Шу боис бургут рамзий маънода уларнинг буюкликига қиёсланган. Амир Темур ва Йилдирим Боязид юз қиёфасининг пастки оралиғида харита тасвири туширилган. Харитада Амир Темур ва Йилдирим Боязиднинг бирга олиб борган жанговар ҳудудлари кўрсатилган.

Хулоса

Амир Темур ва темурийлар даври давлатчилиги, маънавияти ўзининг салоҳияти, мазмуни, жанговар маҳорати, тарбиявий кучи ва таъсири билан халқимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов қайд этганларидек, «...бизнинг тарихимизда Амир Темурдек улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ¹²».

Мазкур малакавий битирув иши Амир Темурнинг Анқара жанги мавзусига бағишланган бўлиб, мавзуни ёритиш асносида ўзбек ҳамда жаҳон тарихи асносида адабиётлар ўқиб-ўрганилди ва таҳлил қилинди. Биринчи боб «Тасвирий санъатда Амир Темур сиймоси» деб номланади. Биринчи бобнинг биринчи бўлимида Амир Темур ҳаёти ва ижодий фаолияти тарихи баён этилган, 2 бўлимида эса Тасвирий санъатда Амир Темур сиймоси ҳақида тўхталиб ўтилди. Иккинчи боб “Амир Темур анқара жанги мавзуси” га дастгоҳли графика туркум композициялар деб номланиб, ушбу бобда Амир Темур ва Йилдирим Боязид орасидаги мактублашув, Амир Темур Анқара жанги тарихи, ўқилган адабиётлар асосида яратилган эскиз, композициялар таҳлили ёритилди.

Биринчи бобда ўрганилган адабиётлардан келиб чиқиб иккинчи боб таҳлил этилди. Шунингдек, малакавий битирув иши асосини ташкил этган ва унга ишланган иллюстрациялар қайта таҳрир қилинди. Манбалар ўқиб чиқиб, керакли жиҳатлари олинди. Йиғилган маълумотлар асосида назарий, амалий ва кузатувлардан аввалига эскизлар яратилиб, эскизлар йиғиндисидан композитция яратилди.

¹² Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Қаранг: Маънавий юксалиш йўлида. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 414-б.

Глоссарий

1. **Графика** (грекча- graphikos - чизиқли, чизилган) — тасвирий санъатнинг бир тури. Рангтасвирга нисбатан кам ранг ишлатилиб, асосан оқ ва қора контраст ранглар, чизиқ ва штрихлар характерлидир. Графикага чизматасвир, гравюра, литография каби босма тасвир турлари киради.
2. **Деталлаштириш** (детализация) — тасвирий санъатда детал (қисм)ларни алоҳида пухта ишлаш деганидир. Деталлаштириш рассом усулига қараб ҳар хил даражада бўлиши мумкин.
3. **Эскиз** (французча - esquisse — набросок (қоралама) — ижодий ғоянинг асар учун бажарилган қораламаларидир. Эскиз ҳар хил усул (техника)да бажарилиши мумкин. Эскиз бир неча вариантда бажарилади ва энг яхши деб топилгани асар учун асос қилиниб олинади.
4. **Колорит** (лотинча — color — ранг, бўёқ) — санъат асарининг алоҳида ранг ва тус тузилиши. Колоритда реал борлиқ (натура)нинг табиий рангларини алоҳида мақсадли ажратиб бадий образли бўёқларда акс эттириш. Ранглар мажмуаси ва ранг гўзаллиги нисбатлари. Иссиқ ва совуқ, ёрқин, қизғиш, мовий каби гаммаларда бўлиши мумкин. Асар инсонда рухий ва бадий образ ҳиссиётини уйғотиши мумкин.
5. **Композитция** (лотинча — compositio — тузиш, боғлаш, баён қилиш) — асар қурилмасида қисмлани маъно-мазмунга боғлаш, бўйсундириш, шакллантириш; Композитсия - бадий образ яратиш воситаси ва изланиш йўллари. Тема — мазмунни (сюжетни) очиб беришда рассом томонидан изланиш олиб борилади. Композитция устида ишлаш ғоя туғилгандан бошлаб асар тугаллангунча давом эттирилади. Бунда рассом танлаган мавзуси асосида сюжет устида иш олиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Президент асарлари.

1.1. Ш.М. Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – 114 б.

II. Асосий адабиётлар

2.1. Б.Аҳмедов. Амир Темур дарслари. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 144 б.

2.2. Б.Аҳмедов. Соҳибқирон Темур (Ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти), Т.: “Шарқ”, 1996. – 134 б.

2.3. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. М.: Наука, 1963. – С 329.

2.4.3. Муқимов. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). Иккинчи тўлдирилган нашри. – С.: СамДУ. 2008. – 131 б.

2.5. Р.Алимов. Соҳибқирон Амир Темур. Методик тавсиянома. – Т.: Шарқ, 1995. – 342 б.

2.6. Т.Н. Грановский. Темур. Сочинение. Четвертое издание. – М.: Наука, 1980. – С.596.

2.7. Темур тузуклари. Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ.Кароматовтаржимаси (Сўз боши ва изоҳлар, умумий таҳрир академик Бўрибой Аҳмедовники). Ўзбек, француз, инглиз тилларида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – 344 б.


2.8. У.Уватов. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 157 б.

2.9. Ҳ. Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. – 56 б.

2.10. Ш.Д. Пиримкулов Грановскийнинг «Тимур» мақоласи хусусида. // Амир Темур илм-фан ҳомийси. Халқаро илмий конференция. 22-23 май. – Самарқанд, 2-қисм, 1996. – 162 б.

2.11. Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., “Шарқ”. 1997. – 383 б.

ИЛЛЮСТРАЦИЯЛАР РЎЙХАТИ



1-расм



2-расм




3-расм



4-расм



5-расм



6-расм



7-расм